

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

697 **Автомобилтранспорт воситалари ва шаҳар электр
транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва
қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасалари
ўқувчиларининг билимини баҳолаш учун тест саволларини
тузиш ва тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги
низомига ўзгартириш киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2271-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги ПҚ–2048-сон «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 41-сон, 545-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 ноябрдаги 308-сон «Шаҳар йўловчи ташиш транспортини тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 46-сон, 604-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2011 йил 29 июлдаги 7, 316 ва 89-01-2090-сон қарори (рўйхат рақами 2271, 2011 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 416-модда) билан тасдиқланган Автомобилтранспорт воситалари ва шаҳар электр транспортини воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасалари ўқувчиларининг билимини баҳолаш учун тест саволларини тузиш ва тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми муқаддимасининг иккинчи хатбошисидаги «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси» деган сўзлар

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

52 (604)-сон

— 93 —

697-698-моддалар

«Тошшахартрансхизмат» акциядорлик компанияси» деган сўзлар билан ал-
маштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 9 декабрь,
39-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

Б. ХОДИЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 9 декабрь,
55/ҚҚ-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори**

Б. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 9 декабрь,
33/ҚҚ-сон